

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 12-сон



АЛОҲИДА ЁРДАМГА МУХТОЖ БОЛАЛАРНИ ТАЪЛИМГА ЖАЛБ ЭТИШ

Холмирзаев Шавкатжон Абдулазизович

НамДУ Мактабгача таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси

E-mail: Xolmirzayev84@bk.ru Тел: 99897-210-26-50

Аннотация. Мақола алоҳида ёрдамга мухтож ўқувчиларни Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиш жараёнида уларни таълимга йўналтириш хусусиятларини аниқлаш муаммоларига бағишланган. Мақолада инклюзив таълим тизимида таҳсил олаётган ногирон ўқувчиларнинг таълимга йўналишини ривожлантириш имкониятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: Таълимга йўналиш, ногиронлик, ногирон ўқувчиларнинг махсус таълим эҳтиёжлари, инклюзив таълим.

ВОВЛЕЧЕНИЕ В ОБРАЗОВАНИЕ ДЕТЕЙ С ОСОБЫМИ ПОТРЕБНОСТЯМИ

Холмирзаев Шавкатжон Абдулазизович

Преподаватель кафедры методики дошкольного образования НамГУ

Электронная почта: Xolmirzayev84@bk.ru Тел: 99897-210-26-50

Аннотация. Статья посвящена проблеме определения особенностей профориентации учащихся общеобразовательных школ с ограниченными возможностями здоровья в процессе обучения. В статье раскрываются преимущества профессионального развития учащихся-инвалидов, обучающихся в системе инклюзивного образования.

Ключевые слова: профориентация, инвалидность, потребности детей-инвалидов на специальное образование.

INVOLVEMENT OF CHILDREN IN EDUCATION WITH SPECIAL NEEDS

Kholmiraev Shavkatjon Abdulazizovich

Teacher of the Department of Preschool Education Methods NamSU

E-mail: Xolmirzayev84@bk.ru Tel: 99897-210-26-50

Summary. In the article, it has been studied a problem of determining the characteristics of vocational guidance of pupils with disabilities in the process of teaching them in secondary schools. The article reveals the possibilities of professional development of pupils with disabilities studying in the system of inclusive education.

Keywords: vocational guidance, disability, needs of disabled children for special education

The article deals with the problems of determining the vocational orientation of students with disabilities in the process of teaching them in general secondary schools. The article reveals the opportunities for professional development of students with disabilities studying in the inclusive education system.

Бугунги кунда мамлакатимизда таълимнинг ҳар бир соҳаси каби махсус таълимнинг мазмунини такомиллаштириш, амалиётга инновацион технологияларни жорий этиш масаласи долзарб саналмоқда. Махсус таълим ривожланишида муаммолари бўлган болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ҳаётга тайёрлаш вазифаларини ҳал этиди.



Маълумки, у ёки бу турдаги ривожланиш муаммоларига эга болалар орасида мия фаолиятида органик бузилишлар оқибатида интеллектда маълум четга чиқишлар, оғишларга эга болалар мавжуд бўлиб, улар ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим оладилар. Жаҳон миқёсида бу каби болалар ер юзи аҳолисининг 3 % ини ташкил этади. Ақли заиф болалар ва ўсмирларнинг таълим олиши халқаро ва миллий ҳуқуқий-меъёрларга асосланади.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ратилиб, бир қатор қонунлар қабул қилинди ва уларда бола ҳуқуқлари кафолатлаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилда “Бола ҳуқуқлари ўғрисида” Конвенция (20 ноябрь 1989 йил БМТ томонидан қабул қилинган) ни ратификация қилди. Ушбу Конвенция БМТнинг болаликни муҳофазалаш борасидаги энг универсал ҳужжатиدير.

Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ги Қонунида боланинг ҳуқуқлари, ркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, камситилишга йўл қўймаслик, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ва бошқа қатор ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга вазифаларни малга ошириш кафолатлаб қўйилган. Бундан ташқари охириги 5 йил мобайнида таълимни ислоҳ қилиш, фуқароларнинг бандлигини таъминлаш орқали фаровон ҳаёт кечириш шароитини таъминлаш масаласи давлат иёсати даражасига кўтарилиди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан акомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон, “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимининг 2030 йилгача ривожлантириш концепциянинг тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Фармони, “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4860-сон қарори бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар мазмунида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига таълим хизматининг мослашган турларини, дифференциал ёндашувларга асосланган тизимни жорий этиш белгилаб қўйилган. Ўсиб келаётган ёшлар орасида ақли заиф болалар мавжуд бўлиб, уларнинг сифатли таълимга жалб этилиши борасида ҳам қатор ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Ногиронлиги бўлган болаларнинг жамиятнинг кундалик ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокини таъминловчи махсус ва инклюзив таълим тизими мазмуни ва шакллари такомиллаштирилмоқда.

Натижада имконияти чекланган болаларни илк даврдан ташхис қилиш, ташхис натижалари асосида мос таълимга жалб этиш, сифатли таълим олишини таъминлаш, ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминлашга йўналтирилган комплекс таъсирни ўз вақтида мақсадли амалга ошириш учун зарурий инфратузилма ҳамда кадрлар масаласини ҳал этиш имконияти кенгайди.

Жумладан, инклюзив таълим ногирон ва соғлом болалар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш, махсус таълимга мухтож болалар, ўсмирлар ривожланишида учрайдиган нуқсонлар ёки ихтисодий қийинчиликлардан қатъий назар ижтимоий ҳаётга мослаштиришга йўналтирилган умумтаълим жараёнига қўшишни ифодаловчи таълим тизимидир. Инклюзив таълим тизимини жорий этиш бўйича қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатларда жамиятимизнинг бир бўлаги бўлган махсус ёрдамга мухтож болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга таълим-тарбия бериш, уларнинг соғлом



болалар қаторидан ўрин олиб ўз қобилияти, имкониятларини кўрсата олишига, маънавий камол топишига қаратилган чора-тадбирлар белгилаб беришган.

Инклюзив таълим мактабга кириб келганида бир қатор тўсиқларга дуч келинди. Ота-оналар аввалига тушунишмади. Лекин ҳозирги кунда мактабда турли эҳтиёждаги болалар ўқишга имкон бўлиши керак деган фикр олдинга сурилмоқда. Бу икки тарафлама ўқувчилар учун жуда фойдали: эҳтиёжи бор болалар рақобатли муҳитда яшашни ўрганишса, оддий болалар тушунувчан, меҳрибон бўлиб вояга етишади.

Доимий алоқада бўлиш АЭМ болаларнинг дунёқарашини кенгайтирмоқда. Мунтазам ота-оналар, болалар, ўқитувчилар билан пайдо бўлган муаммолар муҳокама қилинди. Низолар чиққан вақтларда психологик тренинглар ўтказиб турилди. Бундан ташқари ўқитувчилар ҳамма ўхшамаган болаларни борлигича қабул қилишга ўргатишади, бошқаларга ўхшамаслик-бу айб эмас. Ногиронлар аравачасидаги бола мактабга мустақил кира олмайди. Мактаб бундай ўқувчи мактаб бўйлаб тўсиқларсиз ҳаракатлана олишига имкон яратиш керак. Инклюзив таълим сабабли ўқувчилар ўртасида бир-бирига меҳрибонлик, раҳмдиллик каби инсоний фазилатларнинг мукаммал шаклланишига омил бўлмоқда. Бундан ташқари, ҳаракатли ўғинларда, спорт мусобақалари, байрам тадбирларида ҳамма қатори иштирок этишини таъминлай олинмоқда. Мактабда логопедик шахобча очилганидан буён ота-оналар қизиқиши янада ортди. Мутахассислар болани таълим жараёнида қузатиб бориш билан бирга қўшимча машғулотлар ҳам ўтишмоқда. Бу дарс мобайнида дарсни яхши ўзлаштиришга ёрдам бермоқда.

Фақатгина бола ўз хоҳиши билан таълим олишга интилса ва ҳаракат қилсагина ўз самарасини беради. Бунда ота-она роли жуда ҳам муҳим, чунки улар болага тўғри йўл кўрсата оладилар, ерак пайтда қўллаб-қувватлайдилар, ёрдам берадилар, унга ўзини тутиш қоидаларини тушунтириб, уларга риоя қилишни ўргата оладилар. Инклюзив таълим бизга ногиронлиги бор инсонлар билан мулоқотга киришаётганда ўзимизга тенг билишга, имкониятларини билишга ҳаракат қилишга ва уларга мувофиқ ўзинимизни тутишга ҳаракат қилишга ўргатди. Унга раҳмингиз келаётганлигини кўрсатмасликка ҳаракат қилиш лозим, акс ҳолда у ўз ҳаракатига жавоб бера олмайди.

Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни соғлом болалар қаторида умумтаълим мактабларида ўқиш амалиётини ривожлантириш мақсадида ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг умумтаълим мактабларига интеграциялашуви (уйғунлаштирган ҳолда таълим-тарбия бериш) тажрибаси қўлланилиши натижасида сўнги йилларда бир қатор алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар умумий ўрта таълим мактабларига қайтарилди.

Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар тез чарчаб қолишади. Шунинг учун уларга ҳаракатда бўлиш имконини берувчи топшириқлар бериб турамыз. Ҳар бир дарсда жисмоний дақиқа ўтказишни унутмаслик керак. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болани гуруҳдаги пешқадамлар билан ўтказиш яхши натижа бермоқда.

Болани тез-тез рағбатлантириб туриш керак. Усулларнинг ҳиима-ҳиллигидан фойдаланиш, ўғин методларига максимал даражада таяниш боланинг қизиқишини орттиради. Инклюзив таълимни янада ривожлантириш учун педагог ходимлар ўртасида кўпроқ тренинг машғулотлар ўтказиб туриш керак. Педагог ходимлар ўз устида кўпроқ ишлаб, янгилик яратишга интилиши лозим деб ўйлайман.



Инклюзив таълим (инглиз тилидан олинган бўлиб, inclusive, inclusion-уйғунлашмоқ, уйғунлаштириш, қамраб олмақ, қамраб олиш маъноларини билдиради) ногирон ва соғлом болалар ўртасидаги тўсиқларни (дискриминацияни) бартараф этиш, махсус таълимга мухтож болалар, (айрим сабабларга кўра ногирон бўлган) ўсмирлар ривожланишида учрайдиган нуқсонлар ёки иқтисодий қийинчиликлардан қатъий назар ижтимоий ҳаётга мослаштиришга йўналтирилган умумтаълим жараёнига қўшишни ифодаловчи таълим тизимидир.

Хулоса қилиб шунини таъкидлашни истардимки, умумий ўрта таълим мактабларида ногирон талабалар билан таълимга йўналтириш ишлари уларнинг таълим эҳтиёжлари ва имкониятларининг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олиш асосида амалга оширилади.

Шундай қилиб, таълимга йўналтириш муаммоларини комплекс ҳал қилишни амалга ошириш бўйича чоралар кўрилмоқда. Шу билан бирга, ушбу илмий ишланмалар натижаларидан фойдаланиш ногирон ўқувчилар билан кундалик таълимга йўналтириш ишларида ҳам фаолроқ фойдаланилиши лозим.

Адабиётлар рўйхати:

- [1] Ўзбекистон республикасининг «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонун ЎРҚ-641-сон 15.10.2020.
- [2] 2016 – 2020 йилларда ногирон болалар ва ногиронлар учун касбга йўналтириш тизимини ривожлантириш бўйича идоралараро комплекс чора-тадбирлар режаси. // Россия Федерацияси Таълим ва фан вазирлигининг расмий манбаи. [Электрон ресурс].
- [3] Гозова А.П. Психология трудового обучения глухих. – М.: «Педагогика», 1979.
- [4] Ҳакимова М.Ф. Махсус ёрдамга мухтож ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашнинг педагогик асослари. Пед. фан. док. дисс. автореферати. – Т., 2010.

О НЕКОТОРЫХ ОСОБЕННОСТЯХ НАЧАЛЬНОГО ЭТАПА ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ НЕФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ ВУЗОВ УЗБЕКИСТАНА РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК ИНОСТРАННОМУ

Юсупов М.Р., преподаватель,
НамГУ, Филологический факультет,
кафедра русского языкознания.
Yumurat1965@mail.ru

Аннотация. В статье рассматриваются некоторые особенности обучения студентов нефилологических направлений русскому языку как иностранному на начальном этапе. Особое внимание уделяется способности преподавателя активизировать лексику студентов, имеющуюся в их пассивном словаре. Также рассматривается вопрос применения соответствующих игровых технологий на начальном этапе обучения.

Ключевые слова: русский язык как иностранный, адаптация, лексика, пассивный словарь, преподаватель, игровые технологии, мотивация.

O'ZBEKISTON OTMLARINING NOFILOLOGIK YO'NALISHLARI TALABALARINI RUS TILIGA CHET TILI SIFATIDA O'QITISHNING BOSHLANG'ICH BOSQICHINING AYRIM XUSUSIYATLARI HAQIDA



135	Совершенствование практической подготовки студентов по педагогическим вопросам Рафикова Д. К., Каримова М.О.	704
136	Самообразование как развивающая деятельность студентов Ашурова С.А.	712
137	Роль художественной культуры при развитии личности специалистов нового поколения Ахмедова Н.М.	715
138	Толерантлик сўзи қандай маъно англатади? Якуббаев М.М.	720
139	Jismoniy yuklamalarda o'zini-o'zi nazorat Umarov A.A.	723
140	Физикани ўқитишда уильям томсон ҳаёти ва илмий ижодига оид тарихий материаллардан фойдаланиш Чариев М.М.	728
141	Алоҳида ёрдамга мухтож болаларни таълимга жалб этиш Холмирзаев Ш.А.	734
142	О некоторых особенностях начального этапа обучения студентов нефилологических направлений вузов узбекистана русскому языку как иностранному Юсупов М.Р.	737
143	Ўзбек зироатчилигида мошга муносабатнинг фольклордаги бадий талқинлари хусусида Ўраева Д.С., Тўраева Л.О.	742